

2011 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига 19 йил тўлади. Бу давр олис мезгилдан далолат берувчи тарихий тараққиёт учун гарчи узоқ вақт бўлмаса-да, аммо мустақил Ватанимиз конституциявий нормалари ривожланиши жиҳатидан муайян сарҳисоб қилинадиган босқичли муҳдатни қамраб олади десак, муболага бўлмайди.

Айниқса, фаол демократик янгиланиш даврида Конституциянинг сиёсий ҳаётийлиги, ҳуқуқий кадр-қиммати янада яққол намойён бўлмоқда. Конституция миллий ҳуқуқий кадрият сифатида жамият ва давлат ҳаётида ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим пойдеворидир. Бахтимиз қомуси, энг аввало, миллий ўзликини англаш, ҳур ва озод Ватанини барпо этиши имкониятини берди. Бунинг маъноси шунки, айни Конституция илк маротаба «Ўзбекистон – суверен демократик республика» сифатида вужудга келишига асос солди. Мустақил давлатнинг конституциявий асоси яратилиши халқимизнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариши, унинг манфаатларини ифода этиши имконини берди.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнидир, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришларнинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан ҳулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараённинг моҳиятида ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мўжассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш кийин эмас».

Ўзбекистон Конституцияси миллий тараққиёт йўлимишни белгиловчи халқчил қомус сифатида сиёсий соҳада кенг имкониятларни яратиб берди. Айниқса, унда халқ ҳокимияти-чилигининг асослари белгиланганлиги фақат халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва қондларига мос келибгина қолмай, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг

аънаналарига ҳамда миллий ҳуқуқий кадрларимизга уйғундир десак, муболага бўлмайди. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олиғи кадрият сифатида Конституцияда кафолатланганлиги сабабли фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқаришга зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Конституциямиз нафақат демократик ҳуқуқ ва эркин-

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун Миллий демократик юксалишнинг ҳуқуқий пойдевори

ликларни мустаҳкамлаш ва амалга ошириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатлари учун хизмат қилаётганлиги бу муҳим белгининг ижтимоий ҳаётида қарор топаётганлигининг намунаси. Яъни, ҳуқуқий давлат шариоитида фуқаро ва давлатнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги улар манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим негизидир. Давлат инсон манфаатларини ҳар нарсадан улуг кадрият сифатида эъзозлаётган шариоитда фуқаролар ҳам ўзликни англаш баробарида бундай конституциявий бурчининг мазмунини идрок этиши жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим шариоитидир. Давлатимиз томонидан олиб

борилаётган инсонпарварлик сиёсати миллий ўзликини англаш, ватанпарварлик тушунчалари билан боғлиқ ва ҳамонадир.

Конституциямиз иқтисодий соҳада ҳам қатта имкониятларни кўлга киритиш имконини беради. Бу энг аввало, жамият иқтисодий негизларининг конституциявий кафолатлари билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда тадбиркорлар, кичик бизнесп субъектлари ва фермерлар каби мулкдорлар синфи шаклланаётганлиги ва уларнинг иқтисодий ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса, 2011 йилнинг Президентимиз Ислам Каримов томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳамда давлат томонидан тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги конституциявий кафолатларнинг амалда рўёбга чиқаётганлигининг исботидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари ўтмишдан фарқли ўлароқ, фуқароларнинг иқтисодий фаоллига ундамоқда. Хусусий мулкка эгаллик қилишнинг қўллаб-қувватланганлиги иқтисодий соҳаларда турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиб фаолият юритиши имконини бермоқда.

Юқоридегиларга асосан ҳулоса қилиш мумкин, демократик янгиланишлар ҳар бир шахснинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаол бўлиши ҳамда уларни юксак маънавиятга эга бўлиш руҳида тарбиялашни ҳам зарурат қилиб қўяди. Шу сабабли, ҳар бир фуқаро Конституцияга берган имконият ва кафолатлардан оқилона фойдалана олиши, ўз қобилиятларини Ватан ва жамият равнақи йўлида намойён этиши мустақил тараққиёт йўлининг олдимизда турган ҳар бир босқичида янги-янги зафарлар ва ютуқларни кўлга киритиш имконини беради.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, демократик кадриятларни ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини ҳамда тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Жамолiddин АБДУРАХМОНХУЖАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» кафедраси катта ўқитувчиси

(Давоми. Боши 1-бетда)
Шу йўнда алоҳида қайд этиш жоизки, агар йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлида амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичида (1991-2000 йиллар) ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи кучайишини ҳаётии ўзи зарурат қилиб қўйган бўлса, янгиланишларнинг иккинчи босқичи (2001 ва ундан кейинги йиллар) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғини, умуман, вакиллик органлари ва улар билан мантқиқ ҳомаҳор бўлган кўппартиявийлик тизимини, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қарорларни ишлаб чиқиш, ижросини таъминлашдаги ролини кучайтириши тақозо этди. Бу Ўзбекистонда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти, сари» деган ҳаётий тамойил янги давлат қуришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Утган йиллар давомида парламентнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги амалий ролини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Икки палатали парламентнинг ташкил қилиниши, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳиятида бунинг яққол далилини кўриш мумкин.

Бунда айнан парламент фаолиятида гоё ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдида қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришишига, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги соғлом рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг гоғлари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиши мантқиқига таянади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бунда жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга ҳалокат бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очик, ошқора ва амалий руҳда муҳожама қилиш, ўз хизмат жойида зиммасига юкланган мажбуриятларни ундай олмаётган давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг раҳбарларини асосли танқид қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашларнинг қабул қилинган қонунлар ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳуқумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини кучайтириши бўйича ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислохотлар самараси ўлароқ, ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг, давлат тузилмалари раҳбарларининг улар бевосита масъл бўлган соҳаларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш парламент фаолиятида мунтазамлик касб этмоқда.

Парламент назоратининг парламент сўрови, парламент эшитиши каби демократик шакллари амалга ошириш механизми янада фаолроқ ишлаб боради. Парламент сўрови – парламент ёки унинг аъзолари (депутат, сенатор) томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатлари доирасига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тўшунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш тала-

даги фармонларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига киритилиши Сенат ваколатларини янада кенгайтириш, Давлат бюджетни ижроси устидан парламент назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Концепциядаги қондалар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган қўшимчаларга биноан Бош вазир номзодини тақлиф этишнинг янада демократик конституциявий тартиби жорий этилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади. Бу социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини янада кучайтирмоқда.

Конституциямизда белгиланган мазкур нормалар мамлакатдаги барча янгиланишлар учун сиёсий партиялар масъулияти ва жавабгарлигини ҳам оширмоқда. Чунки Конституциямизда Президент номзодини кўрсатишда ҳам, қонун чиқарувчи ва жойларда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳам, Бош вазир номзодини тақлиф қилинган қонунларда ўз аксини тобган мазкур имкониятларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган Ҳаракат дастурлари изчил амалга оширилмоқда.

Концепцияда баён этилган қонунчилик ташаббуслари мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизни демократик ривожлантиришдаги, фуқаролик жамияти барпо этишдаги янги босқичнинг бошланиши бўлиб, ҳам тарихий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда бу сиёсий тизимни модернизациялаш ва либераллаштиришга, мамлакатда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланишига, аксарият сайловчилар сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаган сиёсий куч тақлиф этган номзод ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик қилишига, бошқарувнинг янада демократлашувига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий кучларни мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга сафарбар этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётди. Бу тарихий ҳужжат ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишидаги яна бир дадил қадамдир. Халқимиз, аввало, мамлакатимизни ислох этиш ва янгиланишнинг катта кучи бўлган ёшларнинг ислохот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ҳам ана шундан далолатдир.

Мирафзал МИРОҚИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти бўлим бошлиғи (ЎЗА)

Журналистика соҳасида «ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» республика танлови

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги – УзА, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ўртасида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли сана – Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигига бағишланган «Ватан азиз, жасорат мангу» республика танловини эълон қилади.

Танлов «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» деган тўғруни юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига синдиришга қаратилган бўлиши керак. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислох қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусафаллигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама ёритилган бўлиши лозим.

«Ватан азиз, жасорат мангу» танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:

- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).

Танлов гоғлиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

- 1-ўрин гоғлиблари – ноутбук;
- 2-ўрин гоғлиблари – компьютер тўплами;
- 3-ўрин гоғлиблари – замонавий рақамли телевизор.

Танловни ўтказишда иштирок этаётган ҳамкор ташкилотлардан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзининг рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, соҳалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, мустақил иждоркорлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга 2011 йил давомида газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақола-лар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатишган материаллар (каммида 5 та) 2011 йилнинг 20 декабрига қабул қилинади.

Танлов гоғлиблари ва совриндорларига мукофотлар Ватан ҳимоячилари кунини байрами арафасида тантанали равишда топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланмиш телефонлари.

Ижодий ишлар «Ватан азиз, жасорат мангу» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-81
www.journalist.uz

Иқтисодиёт СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ АШЁСИ

Мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқариш корхоналарнинг кўпайишига, саноатнинг ривожланишига хизмат қилаётир.

Тадбиркорларга яратилган барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, жорий йилда ташкил этилган «Умид барака ривож» масъулияти чекланган жамияти бунга ёрқин мисол бўлади. Ҳозирда 60 нафар малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган мазкур корхонада талаб-эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда йилга 300 минг донагача сифатли черепица ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд.

— Алоҳида эътироф этиш жоизки, юртимиз қурилиш соҳасида ҳам улкан муваффақиятлар кўлга киритилмоқда, — дейди жамият раиси Астон Эгамбердиев. — Йилдан йилга кўплаб корхоналар ташкил этилиб, уларда янги — рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Қурилиш борасидаги ижобий ўзгаришлар, тармоқда аънаванавий ва замонавий меъморчилик услублари уйғун тарзда олиб борилаётгани, айниқса, бунёдкорлик жараёнининг кенг қамровлиги сифатли қурилиш ашёларига талабни оширмоқда.

«Умид барака ривож» МЧЖ «Асака» банкдан 500 миллион сўмлик кредит олиб иш бошлади. Ички ва ташқи бозорни чуқур ўрганиш, янги лойиҳалар тузиш, ишончли ҳамкорлар топиш асосида мазкур корхона ўз истикболини белгилamoқда.

Жорий йил охиригача барча имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сафи яна 15 та кўшимча иш ўрнига кўпайиши мақсад қилинган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Юртимиздаги кўплаб корхоналарда модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. Бу ўз навбатида кўплаб турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи товарлар билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. «Агрегат заводи» очик акциядорлик имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда.

Мазкур корхона қишлоқ ҳўжалик юмушларида дала меҳнатқашларига ҳақиқий мададкор бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш ҳисобига фаолият қўламини кенгайтириб бормoқда. Ҳозирда заводда 475 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Корхонада асосан қишлоқ ҳўжалигида кенг қўлланиладиган тракторлар учун тиркама, агрегат, осма техника ва уларга эҳтиёт қисмлар тайёрланади.

Сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда корхона пневматик аниқ экиш саякалари, вентиляторли тиркамали пулрагичлар, шестерняли насослар, икки поғонали циркуляр редукторлар, пайвандаш аппаратларининг янги авлоди ишлаб чиқарилмоқда. Утган 2010 йилда жамиятда буюртма асосида савкиз миллиярд 275 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Жорий йилдаги ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати қийсий таҳлилларга кўра 105 фоизни ташкил этапти.

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

«MAFTUS» хусусий корхонаси қомоиси ҳам мамлакатимиздаги қурилиш ишлари жадаллашиб, ҳар бир бунёд этилаётган объект ўзгача жозибаси касб этиб, янада чирой очиши борасида сифатли қурилиш ашёлари билан ўз ҳиссаси бўлишига астойдил бел боғланлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур корхонада бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот — 50-60 турдаги гулгоғозларни тайёрлашда хорижий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.

— Корхонамида меҳнат қилаётган 11 нафар малакали ишчи-хизматчилар бир йилда ўртача 1 миллион квадрат метр узунликдаги сертифициланган гулгоғозни ички бозоримизга чиқармоқда, — дейди хусусий корхона директори Сухроб Йўлдошев, — Асосийси, четдан кириб келаётган шу каби маҳсулотлардан бизнинг товар нафақат таннархи, балки экологик тозаллиги билан ҳам ажралиб туради. Давлатимиз томонидан кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган кенг имконият ва ҳуқуқий ҳимоя тўғрисида ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан оқилона фойдаланилмоқда. Энг муҳими, «MAFTUS» савдо белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар турларини йил охиригача яна учтага кўпайиши режа қилинган.

Мухаббат ҲАБИБУЛАЕВА

Шу азиз Ватан — барчамизники

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўзларини фақат эзгу, хайрли ишларга бағишлайдилар, усиз ҳаётларини тасаввур эта олмайдилар. Шундай тиним билмас, жонкуяр инсонлардан бири Ўзбекистон уйғур миллий-маданий марказининг доимий ҳайъат аъзоси, Оқсоқоллар кенгаши раиси Ёрмуҳаммад ака Абдусатторовдир.

Ҳар бир одам — бир олам. Мухими, ҳар ким ўз мавқеини тўғри топа билишида. Ёрмуҳаммад ака Абдусатторов ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, мустаҳкам иродаси, шоғирду издошларига нисбатан чексиз хурмати боис катта бахт, нури тақдирга сазовор бўлганлардан.

— Тақдир тақозоси билан 1963 йилнинг май ойида Ўзбекистонга кўчиб келгандан бери, бутун ҳаётим шу юрт билан боғланди, — дейди Ёрмуҳаммад ака. — Даставвал узумчилик хўжалигига ишчи бўлиб ишга кирдим. Кейинчалик «Тошавтомаш» (ҳозирги ТТЗ) заводда ишчи сифатида фаолият кўрсатдим. 1964 йилдан 1988 йилга қадар Чилонзор савдо марказида юк ташувчиликдан бўлим мудири лавозимига кўчирилган бўлиб ишладим. Кейинчалик «Тошавтомаш» (ҳозирги ТТЗ) заводда ишчи сифатида фаолият кўрсатдим. 1964 йилдан 1988 йилга қадар Чилонзор савдо марказида юк ташувчиликдан бўлим мудири лавозимига кўчирилган бўлиб ишладим.

Ўтган йиллар мобайнида турли корхона ва ташкилотларда, матбуот соҳасида ишладим, имкон қадар она юртим деб ҳисоблайдиган Ўзбекистоним ривожига ҳисса қўшишга ин-

тилдим. Мана шунга ҳам қирқ йилдан ортиқ вақт бўлибди. Умр оқар сувдек ўтиб кетар экан. Узок йиллардан бери дўст-биродарларим билан бир тан бир жон бўлган ҳолда, кўплаб тўй-тўкинларнинг, турли маъракаларнинг бошида, ўтиб кетган қадрдон дўстларнинг оиласидан хабардор бўлиб,

ҳаётда кўплаб синовларни бошдан кечирган, оғир кунларни ҳам ўтказган. Шу билан бир қаторда у айна замонда бахтли ҳаёт кечириб келмоқда. «Мустақил Ўзбекистонимизда барча миллатларнинг урф-одатини, динини, тилини, санъати ва маданиятини сақлаб қолиш учун барча имкониятлар кенг яра-

бўлимларини ташкил этишдан иборат эди. Шу мақсадда даставвал Юнусобод туманида марказ ташкил этилди. Ундан кейин Олмазор ва Бектемир туманларидаги маданий марказларнинг фаолияти ўрганилиб, уларни янада ривожлантириш учун янги режалар тузиб олинди.

Ўзбек олимларининг, шоир ва ёзувчиларнинг иштирок этишлари кечага янада фойда бағишлагани билан эътиборга моликдир.

Уйғур миллий-маданий маркази ташаббуси билан «Ёр-ёр» ансамбли ташкил этилган бўлиб, улар ўзларининг бадиий қўшиқлари билан халқимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллаб келмоқда. «Ойнаи жаҳон»да ҳар ойда икки мартаба уй-ғурча кўрсатувлар намойиш этиб борилмоқда.

Ёрмуҳаммад аканинг уч ўғил, икки қизи бўлиб, уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Ун бешта набаира жонига дармон. Ҳозирги кунда отахон табаррук 75 ёшда, аёли Ҳосият ая билан болаларнинг пиру бадавлат отаонаси ва бобо-момоси бўлиб, бахтли ҳаёт кечириб келмоқда. Халқимизнинг севимли Наврўз байрамини уйғурлар ҳам катта тантана билан нишонлайдилар. Бу байрамни нишонлаш учун махсус «Уйғур боғ ҳужра»си, уйғур халқининг миллий урф-одатларини кўрсатадиган кўргазмалар ташкил этилади.

Машҳур олим, академик Мурод Ҳамроевнинг 70 йиллигига бағишланган хотира кечасининг ўтказилиши ва унда уйғур халқи билан бир қаторда машҳур

Замондошларимиз

ҲАЁТИМ МАЗМУНИ — ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БОҒЛИҚ

уларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишга ҳаракат қилиб келмоқдам. Дунёнинг ҳар бир тўғшасидан гўзал шахримиз Тошкентга келган ёру биродарлар, қариндош-уруғлар, таниш-билишларни имконимиз қадар қўтиб олиб, ҳурмат-иззат кўрсатамиз. Диёримиздан фақат яши қайфият, эзгу тиллар билан кетишига ҳаракат қилмоқдамиз.

Дарҳақиқат, дунёда шундай инсонлар борки, улар барчага фақат яхшилик тилаб яшайди, ўзгалар шодлигига ҳам-ғуссага шерик бўлиб, дардига дармон бўлади. Мақоламиз қахрамони Ёрмуҳаммад ака ҳам

тилган, суҳбатни давом эттирани яқин қилишга ҳаракат қилиб келмоқдам. Дунёнинг ҳар бир тўғшасидан гўзал шахримиз Тошкентга келган ёру биродарлар, қариндош-уруғлар, таниш-билишларни имконимиз қадар қўтиб олиб, ҳурмат-иззат кўрсатамиз. Диёримиздан фақат яши қайфият, эзгу тиллар билан кетишига ҳаракат қилмоқдамиз.

2004 йилда Тошкент шаҳар Уйғур миллий-маданий маркази қошида турли хил уюшмалар ташкил этилди. Улар «Тадбиркорлар», «Аёллар», «Оқсоқоллар», «Ёшлар» ва «Санъаткорлар»дан иборат бўлиб, барчасига ўзига лойиқ вазифалар топширилди.

Шаҳар Уйғур миллий-маданий марказининг асосий ишларидан яна бири марказнинг

Булардан ташқари авваллари урф бўлган, кейинчалик унутилган «Уйғур сайли» байрами тиланиб ҳар йили баҳор ойида ушбу сайиллар кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиб келинмоқда. Халқимизнинг севимли Наврўз байрамини уйғурлар ҳам катта тантана билан нишонлайдилар. Бу байрамни нишонлаш учун махсус «Уйғур боғ ҳужра»си, уйғур халқининг миллий урф-одатларини кўрсатадиган кўргазмалар ташкил этилади.

Машҳур олим, академик Мурод Ҳамроевнинг 70 йиллигига бағишланган хотира кечасининг ўтказилиши ва унда уйғур халқи билан бир қаторда машҳур

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ва одилона сиёсат ҳамда ислохотлар самараси ўлароқ бугунги кунда юртимизда барча миллат вакиллари аҳил-иноқликда истиқомат қилиб келаётирлар. Ўзаро ҳурмат ва ҳамдўстлик алоқаларига кучли эътибор қаратилаётган она заминимизда дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни янада ривожлантиришда турли миллат вакиллари миллий-маданий марказлари ташкил этилгани алоҳида аҳамият касб этади.

Куйида ана шундай марказлардан бири бўлмиш корейс миллий-маданий маркази фаолияти ҳақида сўз юритамиз.

Узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган марказ 2003 йилда қайта рўйхатдан ўтиб, Корейс миллий-маданий маркази дея номланди.

Қадимдан ўзининг гўзал санъати ва халқ таъбаоти билан бутун дунёга машҳур корейс халқининг азал-азалдан ўзбек миллати билан муштараклик жиҳатлари бисёр.

Беш юздан ортиқ корейс миллати фаолларини ўз атрафида бирлаштирган марказнинг биносига кирaverишинида уларнинг маданиятини акс эттирувчи бири бирдан гўзал суратлар ва либосларга кўзингиз тушиб, дилингиз қувнайди. Истиқлол йилларида бунёд этилган ушбу бинода ҳозирда корейс миллатининг турли байрамлари ўтказиб келинаётир. Жумладан, Тано (ёз байрами) бўлиб одатда ойнинг чиқишига қараб май ойининг охири ва июнь ойининг бошларига тўғри келади) байрамида одамлар яқинларидан хабар оладилар, турли маросимларни ўтказадилар. Яна бири Чусок — ҳосил байрами бўлиб, йигирм-терим мавсумига тўғри келадиغان ушбу байрам муносабати билан марказ



оқди. Назаримизда, юртимиздаги одамларнинг ўзаро ҳурмати ва миллатлараро тотувлиги бошқа ҳеч бир мамлакатда бунчалик кучли ривожланмаган бўлса керак. Президентимиз Ислам Каримов томонидан юрт ривожига йўлида узокни кўзлаб олиб борилаётган одилона сиёсати бизларнинг тинч-тотув яшашимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина

ва бирдамликда нишонлаймиз. Бу бизга қувонч ва шодлик бахш этади. Марказнинг асосий фаоллари ёши улғурларимиз бўлиб, бу каби тадбирларда иштирок этиш уларда ўзгача иштиқ ўйғотади.

Анна йиллардан буён ушбу марказнинг барча тадбирларида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ аъзолар ҳам корейс миллий-маданий

«КОРЕ-САРАМ» ОЛАМИГА САЁХАТ

корейс миллати урф-одатлари ва тилига бўлган чуқур эътибор ва яратиб берилаётган эмин-эркинлик мисолида олиб қарайдиган бўлсак, пойтахтимизнинг ўзида кўплаб бе-миннат таълим бериб, тил ўргатадиган ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда нафақат ушбу миллат вакиллари, балки Ўзбекистонда, хусусан, пойтахтимизда истиқомат қилаётган барча 12 ёшдан юқори бўлган хоҳловчилар тил ўрганиб, ўз билимларини ошироқдалар. Юқорида айтиб ўтилган миллий байрам ва маросимларимизни доимо рус, татар ва бошқа миллий-маданий марказлар вакиллари тақлиф этган ҳолда биргаликда нишонлаймиз. Бунда ўзимизнинг ёрқин рангдаги либосларимизни кийиб, турли хил аънаваний маросимларимизни ўтказиб, интерфеол лойиҳаларни амалга ошираемиз. Кўргазмалар ташкил этиамиз. Жану-этиб қоламиз. Жаннатмакон дийр-да хотиржам, эркин яшаётганлигимиздан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, дунёда эллар кўп, миллатлар бисёр. Аммо, Ўзбекистон дея аталмиш бағрикенг, меҳридар, меҳмондўст она Ватанимиз яққола ягона.

Садоқат АСЛАНОВА

Маҳалла

ХАЙРЛИ МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШГАНМИЗ

Маълумки, мустақил диёримизда 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари тинчлик- осудаликда, эмин-эркин, оилалари, фарзандлари даврасида яйраб- янабд, яхши кўшничлик, ёру биродарлик удумларига амал қилган ҳолда умргузаронлик қилиб келмоқдалар.

Шу билан бирга Ўзбекистоним — она диёрим дея унинг порлоқ истиқболи, элу юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Сергеи туманидаги Абдурахмон Жомий маҳалласида ҳам ўн бешдан ортиқ турли миллат вакилларидан иборат 8250 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликда иш юритилаётган ушбу маҳаллада аввало ободонлаштириш, саранжом-саришталикка, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллашига эътибор қаратилган, Шунингдек, уларнинг спорт билан шугулланиш саломаатлигини тиклаши, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш йўлида барча шарт-шароитлар яратилган.

— Фаровон ҳаётимиз ва барқарор тараққиётимиз кафолати юртимизда тинчлик-осойишталикнинг ҳукмронлигида албатта, — дейди биз билан суҳбатда ушбу маҳалла фуқаролари йигини раиси Дилором Ҳайдарова. — Шундай экан тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳар бир оиллага кириб боришга, одамларнинг яхши-ёмон кунларида елкадош бўлишга, уларнинг қўндалик ташвишларидан хабардор бўлиб зарур вақтда ёрдам қилини чўзишга ҳаракат қиламиз. Албатта, бунда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Азиза Хожимуродова, посбонлар сардорли Ботир Каримовларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Маҳалламизда бешта уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият юритади. «Унумли меҳнат» ва «Жомий намуна коммунал» ширкатлари раислари Милана Моисеева, Руслан Дементьевлар ҳар доим ёнимизда, ҳар бир муаммо ва камчиликларни биргаликда ҳал қиламиз. Шу билан бирга Президентимиз ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ишбилармонларга кенг йўл очилган жорий йилда имкон қадар биз ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга интиляимиз. Яқинда кичик тижув чехини ишга туширдик. Унга маҳалламиздаги Шахноза Бобохоновани жалб этдик, ўн икки нафар янги иш ўрни очилди. Насиб этса йил охирига қадар яна шундай иккита тадбиркорларимизга ёрдам бериб, иш юритишларига имконият яратмоқчимиз. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ёш авлоднинг яхши дам олиши, спорт билан шугулланишига шарт-шароитлар яратилган болалар майдончасини фойдаланишга топширдик. Худудимиздаги 277- ва 266- мактабларда ўқувчи-ёшлар, воёга етмаган ўсмирлар билан турли мавзуларда суҳбат, танлов ва тадбирларни ўтказиб келамиз. Турли миллат фарзандлари бўлган йўл- қизларнинг аҳил-иноқликда, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, байрамларни биргаликда, шоду хуррамлик билан нишонлаётганларини кўриб севиниб кетади киши. Албатта бу юртимизда олиб борилаётган бирдамлик, бағрикенглик, осудалик, ободлик самарасидир.

(Ўз мухбиримиз)

Тиббиёт

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУР

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази тубдан таъмирланиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга доир давлат дастурини амалга ошириш жараёнида олиб борилган бу сайё-ҳаракат натижасида шифохонанинг 10 та бўлими катта имкониятларга эга бўлди.

Марказнинг поликлиникаси эса бир кунда 400 нафардан ортиқ беморни қабул қилаётир. Жарроҳлик блоки, диагностика ва даволаш хоналарига ўрнатилган аппаратлар шифокорларга қўл келмоқда. Бу техникалардан талайгинаси Япония ҳукуматининг бегараз ёрдами намунаси бўлди.

ҲАМШИРАЛИК

ТАЪЛИМИГА КЕНГ ЙЎЛ

«Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси»ни амалиётга таътиқ этиш борасида бой тажрибаларга эришилди.

Биринчи республика тиббиёт коллежиде ташкил этилган ҳамширалик таълимини такомиллаштириш марказида ҳам қатор янгиликлар амалга оширилди. Булажак ҳамширалар билим ва малакасини ошириш учун уюштирилаётган амалиётлар ҳам эътиборга сазовордир. Айниқса, Япония ва Ўзбекистон ўртасида тиббиёт соҳасида ҳамкорлик ҳам ўз икжобий самарасини бермоқда. Таълим соҳасининг истиқболини таъминлашда илгор тажрибалар омаллаштирилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичи-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда.

— Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. «АЗ-968» русумли д/р 30 I 7458 бўлган 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.01.2011й, №16024/21. Бошланғич баҳоси — 248 500 сўм. 2. «Тикс» русумли 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.01.2011й, №429/21. Бошланғич баҳоси — 5 576 500 сўм. 3. «Москвич-412» русумли д/р 30 Т 9917 бўлган 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 23.10.2009й, №10658/14. Бошланғич баҳоси — 560 000 сўм. 4. «АЛКАН-13» русумли д/р 19А722 бўлган 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.06.2009й, №6573/14. Бошланғич баҳоси — 1 550 000 сўм. 5. «RANGE ROVER» русумли д/р 30 Z 1501 бўлган 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.11.2010й, №14144/21. Бошланғич баҳоси — 189 670 500 сўм.

— Тошкент шаҳар «Файзобод» УТГК Божхона постида сақланаётган: 6. «Мерседес Бенс» русумли д/р Е 4740В 90 бўлган 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.01.2011й №87/21. Бошланғич баҳоси — 34 295 000 сўм. 7. «Полуприцеп» русумли д/р ВЕ 179850 бўлган 1992 йилда и/ч ярим тиркама, ижро ҳужжати 11.01.2011й, №87/21. Бошланғич баҳоси — 18 378 000 сўм. 8. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тинчлик маҳалласи, Наврўз кўчасида сақланаётган «МАЗ-35334» русумли д/р 30В1963 бўлган 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.09.2009й, №10880/11. Бошланғич баҳоси — 29 709 000 сўм. 9. Тошкент шаҳар «Ўзтемирйўлмаштаъбир» манзилда сақланаётган «МАЗ-546-П» русумли д/р 55-99 ЕР бўлган 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.12.2006й, №13738/4. Бошланғич баҳоси — 8 955 000 сўм.

Аукцион савдосига 2011 йил 20 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РММнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Қ-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш, Олмазор т, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи 239-35-21 рақамли «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Кўнғирокларингизни кутамиз.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

Спорт янгиликлари

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Москва шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учта кумуш ва тўққизта бронза медални қўлга киритди.

Кирққа яқин мамлакатдан 250 нафардан зиёд спортчи қатнашган бу нуфузли мусобақа универсал жангнинг рингда рақибга зарба қўллаш мумкин бўлган классик ва кураш усуллари ишлатиладиган энгил йўналишлари бўйича ўтказилди.


рингга чиққан ҳамюртимиз Дилшод Сурхонов барча рақибини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Феруз Саидовга эса бронза медални насиб этди.

они Алишер Абдуллаев эса бу сафар бронза медал билан кифояланди. Яна бир ҳамюртимиз Муҳаммадали Тоштурғунов ҳам шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Хар иккала йўналишда ҳам ўз маҳоратини намойиш этган Аъзам Хайдаров биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритган бўлса, Нуриддин Долимов ва Жамол Омонов иккитадан бронза медал билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида иштирок этган Нодира Казакова ҳам икки йўналишда совриндорлар қаторидан жой олди. Ҳамюртимиз классик йўналишда кумуш, энгил йўналиш бўйича бронза медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, УЗА МУХБИРИ



ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз аъзолари Бразилияда 2014 йил бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати баҳсларининг сўнгги тўртинчи саралаш босқичида қатнашиш ҳуқуқини мuddатидан олдин қўлга киритди.

Учинчи саралаш босқичининг 4- тур беллашувида ўз майдонида Шимолий Корея терма жамоасини қабул қилган вакилларимиз учрашувни 1:0 ҳисобидаги галаба билан якунлашди.

Шунингдек, гуруҳнинг иккинчи ўйинида тожикистонликлар ўз майдонида Осиё қитъасининг энг кучли терма жамоаларидан бири бўлган япониялик футболчиларни қабул қилиб, йирик 0:4 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

5 ноябрь куни Тожикистон терма жамоасига қарши ўтказилса, 5 турнинг яна бир учрашувида КХДР футболчилари япониялик чарм тўп усталарини қабул қилди.

Равшан ЮНУСОВ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРЛИМИЗ

Кейинги йилларда ўсиб келаётган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланишларига имконият ва шарт-шароитлар яратиш борасида қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ҳамза туманида жойлашган «Тенгдош» маданият уйи томонидан бир неча йилдирки, ўқувчи-ёшлар, болажонларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш йўлида турли-туман тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Қизгин ва мурасасиз кечган ушбу беллашувда айтиш мумкинки, спортчи-ёшлар бор маҳорат ва иқтидорларини намойиш этиб, У-шу жанговар санъатининг ноёб кирраларини намойиш этдилар.

— Ёшларимизнинг галаба сари дадил интилишлари, қийинчиликдан қўчмай курашга бел боғлаб даврага тушишлари устоз-мураб-

бийларнинг заҳматли меҳнати ҳосили албатта, — дейди биз билан суҳбатда маданият уйи директори ўринбосари Хосият Маллабоева. — Маданият уйимизда 33 та турли соҳаларга ихтисослашган тўғарақлар фаолият кўрсатади.

Мусобақада иқтидорли ёш спортчилар Тимур Латипов, Жавоҳир Рўзибоев, Бекруз Жаҳонгиров, Эдвард Коченко, Мурод Усмонов, Артём Тарасов ва Дилдора Толиповалар голиб деб топилди ва уларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Бугун юртимизда улкан бунёдкорлик, таълим, спорт, машинасозлик иқтисодий, кўйинчи барча соҳаларда юксак тараққиётларга эришилмоқда.

Бунинг исботи эса тобора кўпроқ очиб бераётган юртимиз жамоли, пуриқор бинолар, жаҳон андозлари даражасида қад рўстлаган улкан кўприклар, шинам турар жойлар, озода, кенг, раван йўллар, уларда гизиллаб юрган Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган «Ласетти», «Дамас», «Матиз», «Спарк», «Нексия» каби қатор автомобиллар тинимсолида яраклаб кўриномқда.

Бу эса айни ҳақиқат. Дунё тамаддунида ўз ўрнига эга бўлиб, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз, кам бўлмаймиш ҳам, дея олдинги интилаётган юртимиз, унинг меҳнатқаш, меҳроқибатли, динэатли, ўз сўзи, қилган ишига

яроқсиз ҳолга келиб қолган 1127 та йўл белгилари алмаштирилган ва 2359 та йўл белгилари қайта тикланган. Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги қошидаги Ободлаштириш бош бoшқармаси ва туманлар ободлаштириш бoшқармалари томонидан 13 0024,4 квадрат метр (2010 йилда — 160060 кв.метр) масофадаги йўл қатнов қисмлари таъмирланиб, уларга 123930 кв.метр оқдий ва 3103,00 кв.метр нитро бўёқлар асосида йўл ётиқ чиқарилиши таъминланган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган ишчи гуруҳи билан ҳамкорликда тегишли меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бeрмайдиган ва ИХХ зимматлари билан келишилмай қурилган 309 та конюнқий қуришлар аниқланиб, уларнинг 250 таси буздирилган ва бу турдаги 2 та қурилмалар бўйича тегишли ҳужжатлар тўлиқлаб, прокуратура органлари-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«RESPUBLICA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллий банк»нинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

Table with 6 columns: №, Аукционга қўйилган объект, Корхона жойлашган манзил, Сотувга қўйилган улуш (%), Закалат миқдори (%), Бошланғич баҳоси (Сўм ёки АКШ долларлари)*. It lists 6 auction items with their respective details and prices.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 декабрь куни соат 15:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги улушлар 2011 йил 14 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 16, 19 ва 21 декабрь кунлари соат 15:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: Аукцион голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунёқ пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан, лекин мuddати 1 йилдан оширилмаган ҳолда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютда бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютдаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютда (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига Банкнинг АКШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

ДИҚҚАТ, ПИЁДА! ТАРТИБ ПОСБОНЛАРИ ҲАМИША СЕРГАК

жавоб бeра оладиган эл фарзанди эканимиздан далолат бу. Амалга оширилаётган ишлар салмоғи, инсонлар манфаати, ижтимоий ҳимояси йўлидаги хайрли қадамлардан кўнгил тўлади.

Жорий йилнинг 25 октябры куни кечки соат 23.00 ларда Шайхонтохур туманида 1976 йилда туғилган А.Раҳмедов «Нексия» русумли автоуловни бошқариб кетаётган пиёдадан уриб юборган. Натияжада пиёда — 1993 йилда туғилган Ш.Мирзажоновна шу ерининг ўзида вафот этган.

Яна рақамларга мурожаат этамиз. Тошкент шаҳар ИИББ ИХХ бoшқармасида олинган маълумотларга кўра жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида автомобил йўллари ва кўчаларда харақатни назорат қилиш, хавфсизлигини таъминлаш ва тақомиллаштириш мақсадида, шахримиз кўчаларига 1450 та (2010 йилда — 1074 та) йўл белгилари ўрнатилган,

га юборилган. Ҳозирда 57 та объектлар бўйича ҳудудий комиссия томонидан ўрнатилган тартибда чора кўриш ишлари олиб бoрилмоқда. Пойтахт бўйича содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари асосида расмийлаштирилган 1810 та ҳужжатлар бўйича суриштирув ишлари олиб бoрилиб, улардан 813 таси тергов идораларига, 57 таси прокуратура ва 5 таси ҳудудий туман ИИБга, 1780 таси тегишли чора кўриш учун суд идораларига юборилган.

Утган давр мобайнида бoшқарма ИПХ бригадаси шахсий таркиби 895 та жиноятларнинг очилишида фаол иштирок этган. Улардан айнан ИПХ инспекторларининг ташаббуси ва саъй-харақатлари билан 117 та оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар фoш этилиб, ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзгатирилган.

Агар эътиборимизни кўрсатиб ўтиган рақамларга қаратадиган бўлсак, қанчадан-қанча ишлар инсонларнинг тинч, эмин-эркин яшашлари, беҳавотир кўнрага чиқишлари, кечки пайт эса яна ўз қувончу ташвишлари билан уйга қайтишларига йўналтирилганини кўраемиз. Лекин «қарс икки кўлдан чиқади» дейишди. Нафақат қонунларимиздан беҳабар, балки оддийгина ҳайдовчи билиши лозим бўлган амалларни ҳам эпловмаган, «гуруч орасида бўладиган қурмак»лар, «саёк юрсанг — таёқ ейсан» нақлини унутиб қўйган баъзи гўр ёшлар, ачинарлиси, вақти келса тажрибага эга бўлган айрим ҳайдовчилар ҳам ҳайдовчилик гувоҳнома-сисиз ёки маст ҳолда машинани бошқариб туриш даражадаги йўл-транспорт ҳодисасини содир этмоқдалар. Яна бунинг устига воқеа жойидан гоийб бўлишни ўзларига эп кўрмоқдалар.

Лекин қонун посбонлари ҳамини бошқариб, жиноятга жазо муқаррабдор. Нобол қадам қўйишдан олдин шуни унутмаслик керак. Шоира МУҲАМЕДОВА

Advertisement for Akmal AKROMOV, Head Editor. Includes contact information: Manzilimiz: 100029, Toshkent shahri, Matbuotchilar k'uchasi, 32.

Advertisement for 'REPUBLICA MULK MARKAZI' real estate agency. Includes phone numbers and address: Manzil: Toshkent sh., Olmazor t., 1-Qoraqamish k'uchasi, 1-A-uy.

Advertisement for 'Oz-Oz Urganib' magazine. Logo and text: OZ-OZ URGANIB domo bilmur.

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Донодан сўрадилар: — Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шўқратми? — На бойлик ва на шўқрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шохдан соғлом гадои бахтлидир.

Бир табибдан сўрадилар: — Нима учун баъзи кишилар тез-тез шамоллайдилар? — Ким яхши ухлаласа, асаби бузилади, кимнинг асаби бузилса, эти увишади, кимнинг эти увишса, тез шамоллайди, — деб жавоб берди у.

Маҳшар куни Ҳақ субҳаноҳу ва таоло ўзининг фақир ва содиқ бандаларининг биридан сўрабди: — Сен фалон маҳаллада яшаган фалончи олимни танирмидинг? — У жавоб берди: — Ҳа, танирдим. Ҳақ субҳаноҳу ва таоло амр қилибди: — Ушал олимни таниганинг ҳаққи, сенга раҳматимни ёғдирурман.

Жамшид тўртта узук ясаиб, унинг ҳар бирига биттадан сўз ёздириб қўйган эди. Биринчи узукда «Оҳисталик ва чора» деган сўзлар ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: «Шошилиш ёмон хислат, барча ишларни шошилмай, чора-тадбирини топиб қилиш керак» демакдир. Иккинчи узукнинг кўзига «Одиллик ва иморат» сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси: «Мамлакатда адолат билангина иттифоқлик ва раванқ иморатини тиклаш мумкин» дегани эди. Учинчи узук кўзига: «Ростлик ва шошилиш» сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси: «Дўстларга фақат рост сўзлаш керак» дегани эди. Тўртинчи узук кўзига: «Жазо ва инсоф» сўзлари ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: «Бировни жазога тортаётган пайтда инсоф юзасидан иш кўриш керак» дегани эди. Жамшид ҳар бир узукни шу узук кўзидagi сўзлар мазмунига оид ишга қўл урганида тақиб олар ва унга доим қараб турар эди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган (Давоми бор)

Advertisement for 'UZIDROMET' (Узидромет) real estate agency. Includes logo and text: Узидрометнинг монтонинг хизмати маълумотига кўра, 15 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фoиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори наст бўлади.

Юнусобод тумани Кадастр хизмати томонидан Мухрумбоева Махбуба Садыковна номига берилган Юнусобод тумани 19-даҳа, 16-уй, 53-хонадонга тегишли уй режаси йўқолганлиги учун БЕКОР ҚИЛИНАДИ (Газетанинг навбатдаги сони 16 ноябрда чиқади)